

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИБРАХИМОВ САНЖАР УРУНБАЕВИЧ

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “УЧ БОСҚИЧЛИ СПОРТ
МУСОБАҚАЛАРИ” ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАРНИ
КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
КЕНГАЙТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Ибрахимов Санжар Урунбаевич

Узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтириш механизмлари.....5

Ибрахимов Санжар Урунбаевич

Механизмы расширения параметров комплексного развития учащейся молодежи средствами «трехступенчатых спортивных соревнований» в системе непрерывного образования.....23

Ibrakhimov Sanjar Urunbaevich

Mechanisms for expanding the parameters of the comprehensive development of students by means of “three-stage sports competitions” in the system of continuous education.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИБРАХИМОВ САНЖАР УРУНБАЕВИЧ

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “УЧ БОСҚИЧЛИ СПОРТ
МУСОБАҚАЛАРИ” ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАРНИ
КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
КЕНГАЙТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped20 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Бахтиёр Худайбердиевич
педагогика фанлари доктори

Шылманов Пердебай Шылманович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ куни тарқатилди.
(20__ йил «__» _____ да _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.Базарбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, фалс.ф.д., академик

З.К.Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги вақтда спорт воситасида ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш параметрларини кенгайтириш асосида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзига одатлантириш ва ижтимоийлаштириш ҳамда спорт мусобақалари муайян халқ ва давлатни таништириш, ютуқларини тарғиб қилиш воситаси сифатида эътироф этилмоқда. Бу, ўз навбатида, Корея, Хитой, Япония, АҚШ, Канада, Австралия каби ривожланган давлатларда таълим-тарбия жараёнини спорт машғулоти билан интеграциялаш соҳасида катта тажриба тўпланишига асос бўлиб, мактаблардаги жисмоний тарбия машғулотларини таълим босқичларига ўзаро мувофиқ тарзда даражалаш, ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтириш механизмларини жорий этиш заруриятининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда ёшларни спортга жалб этиш орқали уларни соғлом турмуш тарзига одатлантириш, маънавий-ахлоқий ривожлантириш каби йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ёшларни спорт воситасида комплекс ривожлантириш, уларни ҳар томонлама чиниқтириш муаммолари Белгия, Италия, Португалия, Франция давлатларида давлат даражасида, Германия, Испания, Швейцария давлатларида ҳудудий ва маҳаллий даражада тадқиқ қилинмоқда. Мазкур илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлигини илмий-амалий асослаш, спорт ва жисмоний тарбиянинг шахсни интеллектуал-маънавий ривожлантиришдаги педагогик, психологик имкониятларини аниқлаш; спорт мусобақалари таълим олувчиларнинг маънавий-интеллектуал қувватларини ривожлантириш имконияти эканлиги, ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтириш механизмларини такомиллаштириш муаммолари ҳозирги вақтда алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Бугунги кунда республикамызда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида спорт мактаблари ва таълим муассасаларининг моддий-техник баъзаси, ҳуқуқий-меъёрий, методик таъминоти босқичма-босқич мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланиш мақсадида янги болалар спорти объектларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш; жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби йўналишлар белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

мазкур жараёни тадқиқ этишда ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтиришнинг тарихий тараққиёт йўли ҳамда замонавий тенденцияларини аниқлаш, жаҳон тажрибалари асосида спорт мусобақаларининг маънавий тарбия қуроли, муайян халқ ва давлатни таништириш, ютуқларини тарғиб қилиш воситаси сифатида тадқиқ этиш, “Уч босқичли спорт мусобақалари” мазмунини бойитиш асосида ўқувчи-талабаларни узлуксиз ривожлантириш мезонлари, принципларини аниқлаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3583-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда А.Атоев, М.Таирова, Р.Саломов, Т.Усмонходжаев, Х.Мелиев, Ш.Хонкелдиев, Ф.Керимов, Ф.Хўжаев, Э.Сейтхалиловлар сингари олимлар шахсининг жисмоний камолотини таъминлаш масалаларини тадқиқ қилганлар. Бевосита болалар спорти ва ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш масалалари А.Ачилов, Б.Мадаминов, Б.Мамбетов, К.Шакиржонова, К.Ярашев, М.Бобоёров, О.Гончарова, Ф.Юлдашев, Х.Шомуратовларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Б.Т.Лихачев, В.С.Кукушкин, С.Д.Лаптенко, Ю.И.Евсеевлар томонидан жисмоний тарбия орқали ўқувчи ва талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар А.Е.Volkwein-Caplan Karin, D.S.Heneriette, L.Hansлар томонидан спорт воситасида таълим олувчиларни маънавий камол топтиришнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Ўқувчи ва талаба-ёшларни комплекс ривожлантириш юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ педагогика фанида бу борада ўзининг мантиқий ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Жумладан, республикада ёшлар камолоти ва уларнинг ҳар томонлама етук шахс сифатида ривожланишида алоҳида ўрин эгаллаган “Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантиришдаги педагогик имкониятларини аниқланмаганлиги бу борада чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ф1-ХТ-1-31247 – “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги фундаментал (2012-2016 йй.) лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантиришдаги педагогик имкониятларини аниқлаш ҳамда мазкур спорт мусобақалари мазмунини модернизациялашга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

спорт ва жисмоний тарбия мусобақаларининг шахс маънавий камолотида тутган ўрнини Ўзбекистон Республикасида вужудга келган мавжуд тажрибаларга таянган ҳолда назарий методологик жиҳатдан асослаш;

“Уч босқичли спорт мусобақалари” нинг ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтиришдаги ижтимоий-педагогик аҳамиятини назарий-эмперик жиҳатдан татқиқ этиш;

спорт мусобақаларини ташкил этиш ва унинг кўламини кенгайтириш йўллари, имкониятлари ва механизмларидан амалиётда фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантиришда “Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг педагогик имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Тадқиқотнинг предмети “Уч босқичли спорт мусобақалари”ни ташкил этиш жараёнининг педагогик мазмуни, шакллари, воситалари, усул ва методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, киёсий таҳлил, аналитик обзор, далилларни асослаш, таққослаш, анкета, савол-жавоб, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил этиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён мазмуни (ишчанлик, чидамлик, рақибни ҳурмат қилиш, толерантлик) жисмоний ва эстетик маданият компонентларини соғлом турмуш маданияти билан узвийлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

спорт мураббийларининг касбий фаолиятига қўйиладиган педагогик талаблар (касбий маҳорат, деонтологик, эргономик) касбий сифатларни ўзлаштириш даражаси акмеологик компетенциялар (аутопсихологик, акмеологик мотивация, акмега интилиш) тузилмаси билан интернал (ички) интеграциялаш ёрдамида такомиллаштирилган;

“Уч босқичли спорт мусобақалари”га қизиқишни ривожлантиришнинг педагогик механизми (излаш, баҳолаш, танлов, проекция) субъективлик, индивидуаллик, импринтинг (барқарорлик), идентификация (ўхшашлик), рефлексия тамойилларини шахслараро муносабатлар маданияти билан интенсив алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

“Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик параметрлари (эҳтиёжларнинг анланганлиги, ғоялар матрицаси, аналогия, ассоциация) ватанпарварлик фазилатларни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий, мафкуравий, рағбатлантирувчи таркибий асосларини белгилаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган: жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт мураббийлари, тўғарак раҳбарлари учун спорт воситасида ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтириш имкониятлари очиқ берилган;

мустақиллик йилларида мамлакатимизда “Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтиришдаги ўзига хос йўли аниқ далиллар ёрдамида асосланган;

спорт ва жисмоний тарбиянинг шахсни интеллектуал-маънавий ривожлантиришдаги имкониятлари ва узлуксиз таълим тизимидаги спортни оммалаштириш бўйича илмий тавсиялари “Спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш асослари” ҳамда “Болалар ва ўсмирлар спорти асослари” фанларининг ўқув адабиётлари мазмунига сингдирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазибаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган мактаблар сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва олинган натижалар математик

статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика фани “Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг ўқувчи-ёшларни комплекс ривожлантиришдаги имкониятлари, мазкур имкониятларни таъминлаш воситалари, йўллари, усуллари, “Уч босқичли спорт мусобақалари”ни такомиллаштириш механизми, мазкур мусобақаларни такомиллаштиришга қўйиладиган талаблар ва бу талабларни амалиётга татбиқ этиш имкониятлари ҳақидаги назарий ёндашувларга эга бўлганлиги, “Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг кўламини кенгайтириш ва сифатини таъминлаш механизмларининг амал қилиш йўллари педагогик жараёнга тақдим қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари”ни ташкил этиш билан шуғулланадиган мутахассислар, мураббийлар фаолиятида фойдаланилганлиги, дастурлар, семинар машғулотлари, тренинглар ва маърузаларнинг мураббийлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими амалиётга тадбиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ҳамда амалий тавсиялар асосида:

узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён мазмунини такомиллаштиришга оид таклифландан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июндаги “Ўқувчи ва талаба-ёшларни спортга жалб этишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида”ги 181-сон Қарори асосида ишлаб чиқилган “Умид ниҳоллари-2018” спорт мусобақалари Низоми (Халқ таълими вазирининг 2017 йил 22 сентябрдаги 304-сон буйруғи билан тасдиқланган)нинг 1-,2-,3-иловалари мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 7 февралдаги 01-02/2-2-47-сон маълумотномаси). Натижада “Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг шахс маънавий-маданий интеллектуал камолоти (ишчанлиги, чидамлилиги, ватанпарварлиги, фидойилиги, толерантлиги, рақибини ҳурмат қилиши, фуқоролик позициясининг мустаҳкамлиги)ни таъминлаш асосида уни комплекс ривожлантириш механизмлари назарий методологик, педагогик-психологик жиҳатдан такомиллаштирилган;

узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтиришга оид таклифлардан Ф1-ХТ-1-55237-рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари”

мавзусидаги фундаментал лойиҳани (2012-2016 йй.) ҳамда Ф1-ХТ-1-31247-рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳани (2012-2016 йй.) бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 7 февралдаги 01-02/2-2-47-сон маълумотномаси). Натижада “Педагогика” энциклопедиясининг I, II жилдлари тайёрланган ҳамда спорт мураббийларининг касбий фаолиятига қўйиладиган педагогик талаблар, спортчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш дастурларининг таркиби, мазмуни инновацион педагогик, тизимли, интегратив, рефлексив ёндашувлар ҳамда узвийлик ва узлуксизлик принципига таянган ҳолда такомиллаштирилган;

“Уч босқичли спорт мусобақалари”га қизиқишни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сон қарори асосида ишлаб чиқилган “Баркамол авлод-2019” ва “Универсиада-2019” спорт мусобақалари ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 03-07-08-3672-сонли маълумотномаси). Натижада “Уч босқичли спорт мусобақалари”ни ташкил этиш ва унинг кўламини кенгайтириш йўллари, имкониятларидан амалиётда фойдаланиш механизмлари илғор халқаро ҳамда маҳаллий тажрибаларни ўзаро интеграциялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 7 та параграф, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий матни 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва

технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Спорт ва жисмоний тарбиянинг шахсни комплекс ривожлантиришдаги ижтимоий-педагогик аҳамияти”** номли биринчи бобида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчиларни комплекс ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги, спорт ва жисмоний тарбиянинг шахсни интеллектуал-маънавий ривожлантиришдаги педагогик, психологик имкониятлари, спорт мусобақалари таълим олувчиларнинг маънавий-интеллектуал қувватларини ривожлантириш имконияти эканлиги ҳақида фикр юритилган.

Ушбу бобда ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида давлат сиёсатида устувор ўрин эгаллаши асосланган.

Спорт ёрдамида ўқувчи ва талаба-ёшларнинг руҳий, жисмоний, психик-ижтимоий, маънавий қувватлари комплекслашади ва ривожланади. Ижтимоий фойдали фаолиятнинг турли кўринишлари, оила, меҳнат, Ватан ҳимояси, шахснинг жисмоний, маънавий, ижтимоий муваффақиятлари унинг фаоллик кўрсатиши натижасида таъминланади. Ҳар бир ўқувчи ва талаба-ёшнинг саломатлик даражаси унинг конституциявий ҳуқуқлари, хулқ-атвори, менталитети, темпераменти, гармонал ва иммунологик мавқеи билан боғлиқ бўлади.

Баркамолликка эришишда спорт мусобақалари муҳим ўрин эгаллайди. Спорт билан шуғулланиш жараёнида инсон жисмидаги ҳорғинлик пасайиб, турли касалликларга қарши курашчанлик ортади. Шахс ўзида бир қатор сифатлар: хушмуомалалик, беғаразлик, холислик, одиллик, бардошлилик, барқарорлик, ҳақгўйлик, виждонлилик, ҳамдардлик, ақлнинг ёрқинлиги, кўркмаслик, жасурлик, инсонни ҳайратда қолдирувчи лаёқатлилик, ҳар бир шахснинг ўзига хос бўлган ҳис-туйғулари таркиб топтиради.

Ахлоқий жиҳатдан ёндашганда ўқув машғулотлари, жисмоний машқлар, айниқса, ўқувчи ва талаба-ёшларнинг спорт мусобақалари жараёнида жуда катта жисмоний, маънавий юкломани ўз зиммаларига оладилар. Ақлий жиҳатдан эса жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида ўқувчи ва талаба-ёшлар жисмоний ҳаракатларни бажаришнинг умумий усуллари ҳақидаги билимларни эгаллашга муваффақ бўладилар. Меҳнатсеварликка ўргатиш нуқтаи назаридан эса ўқувчи ва талаба-ёшларни ижтимоий ҳаётдаги меҳнат фаолиятига тайёрлашга кўмаклашади, қийинчиликларни енгиш ва бардошли бўлишга одатлантиради. Спорт машғулотлари кўп жиҳатдан ўқувчи ва талаба-ёшларда нафосат, гўзалликка интилиш ҳиссини ҳам тарбиялайди. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия ва спорт орқали уларни нафосатлилик руҳида тарбиялаш имкониятлари каттадир.

Жисмоний тарбия ва спорт турли халқлар орасидаги тинчлик, ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлаш воситаси ҳамдир. Унинг ёрдамида ўқувчи ва талаба-ёшлар мунтазам тарзда турли миллат вакиллари билан дўстона мулоқот ва ҳамкорликка киришадилар. Ўқувчи ва талаба-ёшлар турли мамлакатларда спорт мусобақаларида турли миллат вакиллари билан биргаликда иштирок этиш натижасида ўша халқнинг маданияти, турмуш тарзи, тарихий обидалари билан танишишга муваффақ бўладилар, ўзаро дўстлар орттирадилар ва ҳамкорликка киришадилар. Турли миллат вакилларининг спорт мусобақаларида биргаликда иштирок этишлари улар орасидаги мулоқот ва дўстликни мустаҳкамлайди. Мусобақалардаги самимий дўстона муносабатларга асосланган муҳит, ўзаро ёрдам, рақибга нисбатан ҳурматга асосланган муносабат нафақат спортчилар, балки томошабинлар, мухлислар орасида ҳам миллатлараро муносабатларга киришиш учун шароит яратади.

Спортнинг маънавий асоси икки йўналишда намоён бўлади. Спорт фан сифатида ўз имкониятларини намоён этар экан, унинг негизини спорт назариясининг комплекслашган инсонпарварликка асосланган муаммолари ташкил қилади. Спорт ўзида педагогика, психология ҳамда социологияга оид ёндашувларни уйғунлаштиради. Шунинг учун ҳам спорт билан боғлиқ барча ҳодисалар инсонийлик нуқтаи назардан баҳоланади. Спортнинг турли турлари инсоний қадриятларни тарғиб қилувчи соҳа сифатида ёшларнинг уйғун ривожланишига алоҳида таъсир кўрсатади.

Спорт мусобақалари давомида инсоннинг имкониятлари махсус усуллар ёрдамида аниқланади, унификациялаштирилади ҳамда ўзаро қиёсланади. Спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришиш учун спортчиларни маънавий-ахлоқий, жисмоний-интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қиладиган педагогик тизимни вужудга келтириш лозим.

Жисмоний тарбиянинг хусусий вазифалари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1. Ўқувчи ва талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланишларини қулайлаштириш. 2. Таълимий вазифалар.

Таълим олувчиларда муайян сифатларни шакллантиришга йўналтирилган меҳнат тарбияси натижалари жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларининг сифатини таъминлашга самарали таъсир кўрсатади. Ахлоқий тарбия ўқувчи ва талаба-ёшларда мақсадга йўналтирилган ҳолда маънавий ишончни шакллантиришга қаратилади. Шу асосда ўқувчи ва талабаларда “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида узлуксиз тарзда ахлоқий кечинмаларнинг ривожланишига эришилади, жамият ҳаётида амал қилинадиган хулқ-атвор меъёрлари таркиб топади. Ахлоқий таълим-тарбия жараёнининг вазифалари: ўқувчи ва талаба-ёшларда узлуксиз амалга ошириладиган спорт мусобақалари ёрдамида ахлоқий онг: ахлоқий тушунчалар, нуқтаи назарлар, ҳукмлар, хулосалар, баҳоларни шакллантириш; ғоявий ишонч ва фаолият майллари, жумладан, жисмоний фаолият ва спорт ўйинларини амалга ошириш; юқори даражада таркиб топган маънавий меъёрларга амал қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш; спорт мусобақаларига жалб этиш натижасида ўқувчи ва талаба-ёшларда ахлоқий кечинмаларни вужудга келтириш; масалан: Ватанга

муҳаббат, фидойилик, миллий ғурур, инсонийлик, халқпарварлик, жамоавийлик, дўстлик, ахлоқий меъёрларни бузмаслик, бағрикенглик, тоқатлилик, бардошлилик кабилар; “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи ва талаба-ёшларда ахлоқий сифатларни шакллантириш; ўқувчи ва талабаларда эстетик меъёрларга амал қилиш кўникмаларини таркиб топтириш; ўқувчи ва талабаларга ижтимоий тан олинган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш маданиятини сингдириш. Чунончи, ўзбек халқининг меҳнат муваффақиятлари ва моддий-маданий бойликларига ҳурмат билан қараш, ота-оналар ва катталарга эҳтиромли бўлиш, ҳақгўйлик, жиддийлик, софдиллик сифатларини эгаллаш; ўқувчи ва талаба-ёшларда иродавий сифатлар ва қатъий характерни таркиб топтириш; масалан, мардлик, қатъийлик, жасоратлилик, ғалабага ишонч, ўз мавқеини эгаллаш, мақсад сари интилиш кабилар.

“Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи ва талаба-ёшларни ахлоқий тарбиялаш методлари: спорт ўйинлари жараёнида мавжуд анъаналарни давом эттириш; хулқ-атворнинг ўрнатилган меъёрларига амал қилиш зарурлигига нисбатан ишончнинг мавжудлиги; муайян спорт ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида ўз рақиби билан дўстона суҳбатлашиш; эстетик мавзуларда баҳс-мунозаралар уюштириш; мураббийлар томонидан спортчиларга намунали ўртак кўрсатиш; амалий кўникма ҳосил қилиш.

Ахлоқий тарбиялаш методларининг мазмун моҳиятига мунтазам, қатъий машқ қилиш, машғулотлар жараёнида маданий хулқ-атвор меъёрлари, спорт қоидалари, тартиблари, анаъаналарига қатъий амал қилиш; спорт меъёрларини қатъий ўзлаштириш; аҳамиятли ва узоқ муддатли зўриқишларни камайтириш, мусобақалардаги юкламаларга қўйиладиган талабларни бажариш; рағбатлантириш, спорт мураббийлари ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг вазифаларини муайян спортчи томонидан бажарилишига ишонч билдириш, мусобақаларнинг якуний натижаларини ҳисобга олиш асосида жамоага рағбатлантирувчи очколар бериш; нотўғри хатти-ҳаракатларни амалга оширганлиги учун спортчини жазолаш кабилар киради.

“Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг ҳар бир босқичида ушбу воситалар ва методлардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш мазкур жараён самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Диссертациянинг **“Уч босқичли спорт мусобақалари” жараёнида ўқувчи-талабаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантиришнинг педагогик механизмлари**” деб номланган иккинчи бобида эса “Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг ўқувчи-талабаларни узлуксиз ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш йўллари, “Уч босқичли спорт мусобақалари” мазмунини бойитиш асосида ўқувчи-талабаларни узлуксиз ривожлантириш мезонлари, принциплари баён қилинган.

Таълим муассасасининг болалар спортини ривожлантиришга йўналтирилган фаолияти натижалари аниқ кўриниб туриши лозим. Жумладан, таълим муассасаси ва ундан ташқарида ўтказиладиган спорт мусобақаларида

иштирок этиш; муайян спорт тўғарагига қатнашиш ва мунтазам фаолият кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спортга оид назарий билимларга эга бўлиш; турли мусобақаларда фаол иштирок этиш тажрибасини ўзлаштириш; мусобақалар жараёнида кўйилган шартларга амал қилиш маданиятини эгаллаш, шу жумладан, рақибларни ҳурмат қилиш, рақибнинг фикрларини тинглай олиш, ўз фикрини айта олиш; жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари жараёнида иштирокчилар қизиқувчанлик билан ўзлари шуғулланаётган спорт турига оид қоидалар ва талабларни билишга интилишлари; мусобақалар жараёнида ўз фаолиятларини ташкил этиш сирларини ўзлаштиришлари; ўз командалари ва ватанлари шарафини қатъият билан ҳимоя қилиш кўникмасига эга бўлишлари, уларда ватанни севиш, унинг шаъни учун курашиш ҳиссининг қарор топиши; таълим олувчилар ўз оиласи, таълим муассасаси, командаси учун хос бўлган кадриятларни билишлари ва ҳурмат қилишлари; оиласи, командаси аъзолари, ўқитувчилари олдида ўз хатти-ҳаракатлари ва қабул қилган қарорлари учун жавоб беришга тайёр бўлишлари; ўз рақибларини хайрихоҳлик ва ҳурмат билан тинглаш кўникмасини эгаллашлари; ўзлари ва атрофдагилар учун хавфсиз бўлган соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилишлари кабилар.

Жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари орқали ўқувчи ҳамда талабаларни маънавий-ахлоқий шаклланишлари ва ривожланишларини таъминловчи бир қатор қоидалар ҳам мавжуд. Мазкур қоидалар ахлоқийликнинг анъанавий йўналишларига мувофиқ келади. Улар ёрдамида ўқувчи ҳамда талабаларда муайян изчиллик асосида бир қатор кадриятли сифатлар таркиб топади. Жумладан: фидоийлик, она-ватани Ўзбекистон, унинг халқларига нисбатан муҳаббат билан қараш; ижтимоий бирдамлик, шахсий миллий мустақиллик, атрофдагиларга ишонч билан муносабатда бўлиш, ҳақгўйлик, меҳрибонлик, етукликка интилиш, фахр-ифтихор туйғусига эга бўлиш; фуқаролик, ҳуқуқий давлат сифатида Ўзбекистоннинг шаъни ва кадр-қиммати учун курашга тайёрлик, жамият олдидаги бурчга содиқлик, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиб-интизом қоидаларини билиш; оиланинг муқаддаслигини эътироф этиш, оила аъзоларига нисбатан муҳаббат билан қараш, ўзи ва уларнинг саломатликлари учун қайғуриш, ота-оналар, оиланинг кичик ва катта аъзолари учун ғамхўрлик қилиш; меҳнат ва ижод қилишга интилиш; ижодкорлик ва яратувчанлик билан шуғулланиш, мақсадга интилиш ва қатъиятли бўлиш, меҳнатсеварлик сифатларини намоён этиш, эҳтиёткорлик кўникмаларини эгаллаш; илм-фанга қизиқиш, ўзини қизиқтирган нарсаларни билишга интилиш, экологик онгга эга бўлиш; ислом динининг шахсни маънавий-ахлоқий, ақлий ҳамда жисмоний ривожлантиришга оид ғояларини билиш; санъат ва адабиётни ўрганишга интилиш, санъат асарларидаги гўзаллик, уйғунлик, инсоннинг маънавий олами, ахлоқий танловга эга бўлиш; табиатни кадрлаш, ўзи ва яқинларининг ҳаёти, она заминни эъзозлаш туйғусига эга бўлиш; инсонийлик сифатларини ўзлаштириш, турли халқларга хос маданиятлар ранг-баранглиги ҳақида аниқ тушунча ва илмий тасаввурга эга бўлиш, халқаро ҳамкорлик кўламини тасаввур эта олиш кабилар.

Спортчи ўқувчи ҳамда талабаларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга йўналтирилган жараён аниқ мақсад ва вазифаларни назарда тутган ҳолда ташкил этилади. Бунинг учун ижтимоий-педагогик жиҳатдан очиқ бўлган жараённи ташкил этиш талаб қилинади. Бунда ҳар бир ўқитувчи ҳамда мураббий, шунингдек ота-оналар ҳам маънавий-ахлоқий кадриятларнинг моҳиятини англаб етишга ҳаракат қиладилар ва ўқувчилари, шогирдлари, фарзандларининг амалий фаолияти жараёнига сингдиришга интиладилар. Улар қуйидагиларда: машғулотларнинг мазмуни ва қурилиши; спортчилар ва мураббийларнинг машғулотлар ҳамда машғулотлардан ташқари жараёнларда ҳамкорликдаги фаолиятларини ташкил этиш усуллари ва методлари; спортчи ўқувчи ҳамда мураббий мулоқотининг характери; спортчи ўқувчи ҳамда талабаларнинг индивидуал, гуруҳли ва жамоавий фаолият тажрибалари; ғалаба туфайли вужудга келадиган муайян воқеликлар; спортчи ўқувчи ҳамда талабаларнинг шахсий намуналарида ўз ифодасини топади.

Спортчи ўқувчи ҳамда талабаларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантириш ва тарбиялашга йўналтирилган очиқ характердаги ижтимоий-педагогик жараёнлар муайян принципларга таянилган ҳолда ташкил этилади. Улар: жисмоний тарбия ўқитувчиси ёки спорт мураббийсининг ахлоқий намунаси – жисмоний тарбия ўқитувчиси ёки спорт мураббийсининг ахлоқий сифатлари, улар ўз касбий фаолиятлари ҳамда ҳаётларида амал қиладиган маънавий меъёрлар, спортчи ўқувчилар ва ҳамкасбларига бўлган муносабатлари; спорт мураббийларининг ижтимоий-педагогик соҳадаги ҳамкорликлари – спорт жамоалари ва ижтимоийлаштириш объектларининг бошқа субъектлари билан тўлақонли шерикчилик муносабатлари, улар жумласига: оилалар, спорт клублари, ўқувчиларни спорт ва маданий ривожлантириш билан шуғулланадиган қўшимча таълим муассасалари, яъни “Баркамол авлод” марказлари киради; спортчи ўқувчи ҳамда талабаларнинг шахсий ва индивидуал ривожланишларига эришиш – спортчиларнинг ўз шахсий мавқеларини аниқлаш имкониятларини педагогик қўллаб-қувватлаш, уларнинг муайян спорт турига оид лаёқати, иқтидорини ривожлантириш, муайян спорт турлари бўйича ўқувчи ҳамда талабаларда тизимли тарзда билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш; спортчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантириш дастурларининг уйғунлигига эришиш; спортчи ўқувчи ҳамда талабаларни тарбиялаш жараёнларининг ижтимоий-педагогик жиҳатдан долзарблигини таъминлаш кабилар.

Таълим муассасаси таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш мақсадида шериклари билан самарали ҳамкорлик ўрнатишга муваффақ бўлади. Бунинг натижасида ота-оналар ўз фарзандларининг имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қарата бошлайдилар, спортнинг муайян тури билан шуғулланишларига кўпроқ шароит яратиб берадилар. Шу тариқа, узлуксиз таълим муассасаларининг барча босқичларида ҳамкорликда спортчи ўқувчи ва талабаларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш дастурлари амалиётга татбиқ этилади. Ушбу дастурларни амалиётга татбиқ этиш орқали муайян натижаларга эришиш назарда тутилади.



1-расм. Спортчи ўқувчи ва талабаларни маънавий-ахлоқий ривожлантиришга йўналтирилган узлуксиз педагогик тизимни ташкил этиш принциплари

Диссертациянинг **“Уч босқичли спорт мусобақалари”нинг ўқувчи-талабаларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, жисмоний, эстетик ривожлантиришдаги педагогик самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида “Уч босқичли спорт мусобақалари”ни ташкил этишга бўлган янги талабаларни аниқлаш ва тизимлаштириш, таълим олувчилар шахсини комплекс ривожлантиришда “Уч босқичли спорт мусобақалари” самарадорлигининг статистик таҳлили хусусида фикр юритилган.

Спортчи ўқувчиларнинг комплекс ривожланганлик даражаларини ташхислаш параметрлари аниқланди ва олинган натижалар математик-статистик таҳлил қилинди. Самарадорликни аниқлашда 42 та аниқ мезонга таянилди.

Тажриба-синов ишларини математик-статистик таҳлил қилишдан мақсад ўтказилган тажриба-синов натижалари асосида ўқитиш самарадорлигини баҳолаш ҳамда билиш даражасини баҳолаш коэффицентларини топишдан иборат. Шунинг учун муайян кўрсаткичларига асосланган ҳолда спортчиларнинг “Уч босқичли спорт мусобақалари” жараёнида комплекс ривожланганлик даражаларини аниқлаш юзасидан тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришларини юқоридаги мезонлар бўйича Стьюдент-Фишер ва Пирсон методлари ёрдамида математик-статистик таҳлил этилди.

Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳридаги Республика олимпия

захиралари коллежи, 1-Тошкент педагогика коллежи, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 25-сонли умумий ўрта таълим муассасаси, Бухоро Давлат университети, Бухоро шаҳридаги педагогика, Олимпиа захиралари коллежлари, Бухоро шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим муассасаси, Урганч Давлат университети, Урганч шаҳар Олимпиа захиралари коллежи, Урганч шаҳридаги 5-, 6-, 11-умумий ўрта таълим муассасаларида амалга оширилди. Тажриба-синовда 920 нафар респондентлар қатнашди. Шундан тажриба-синов ишлари бошида 393 нафар ва тажриба-синов ишлари якунида 527 нафар респондентлар иштирок этдилар.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба-синов ишлари якунидаги респондентлар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса тажриба-синов ишлари бошидаги респондентлар билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Ўтказилган тажриба-синов натижасида X ва Y бош танланмаларни оламиз. X - респондентларнинг тажриба-синов ишлари якунидаги билимини ўртача баллари, Y эса ўқувчиларнинг тажриба-синов ишлари бошидаги билимини ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга, деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади. $n_i - x_i$ ($x_i \in X$) тажриба-синов ишлари якунидаги тасодикий ҳодисанинг рўй бериш сони, $m_i - y_i$ ($y_i \in Y$) тажриба-синов ишлари бошидаги тасодикий ҳодисанинг рўй бериш сони.

